

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 40 (11.101)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ЮРТИМИЗДА МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК ВА ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛГАНИ, УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ УЧУН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЧИҚАРИЛГАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР, ШУ ТУФАЙЛИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДАГИ УЛУШИ САЛМОҚЛИ БЎЛАЁТГАНИ ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ЎТКАЗИЛГАН «ТАШАББУС—2008» КЎРИК-ТАНЛОВИ ОЧИЛИШИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАБ ЎТИЛДИ.

«Ташаббус — 2008»


ОМАД МАҲОРАТЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚДИ

Мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган ушбу анъанавий тадбирни туман ҳокими ўринбосари Элёр Акбаров кириш сўзи билан очиб, тадбиркор ва ҳунармандларнинг эл-юрт фаровонлиги, янги ишчи ўринлари яратишдаги салмоқли ҳиссаларини айтиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев тадбирга ўз маҳоратлари, янгиликлари, ташаббуслари билан келган иштирокчиларга омад тилаб, уларга танлов шартлари бўйича баҳо беришда ҳайрат аъзоларининг ҳолисона ва одиллик билан ёндошишларига ишонч билдирди.

Кўрик-танловда мамлакатимиз бозорида ўзларининг савдо ва музлатгич жиҳозлари билан етакчи ўринни эгаллаб бораётган «AZN» масъулияти чекланган жамияти, замонавий курилиш шай ва ускуналари ишлаб чиқариб, бунёдкорлик қўламини орттиришга муҳим ҳисса қўшаётган «Хорижқурилиш технологиялари» масъулияти чекланган жамияти, классик уюлбадаги эркаклар либосларини жаҳон андозаларига мос тайёрлаётган «МАУ ТЕКС» хусусий корхонаси, мебелар дизайнига алоҳида эътибор қаратиб, қисқа давр мобайнида бюртмачиларига эга бўлган «TINOS» масъулияти чекланган жамияти сингари 7 нафар тадбиркор ҳамда халқ амалий ҳунармандчилигининг қўлаб кираларини мукамал эгаллаган, асарларини санъат даражасига етказган беш нафар ҳунари гузалар иштирок этишди. Уларнинг ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, ойнага бадиий безак бериши, миниатюра расмоллиги йўналишидаги ишларини қузатган томошабинлар бир олам завқ

олишди десак асло муболага бўлмайди.

Уч босқичда ташкил этилган кўрик-танловнинг муваффақиятли ўтишида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, унинг туман филиали, туман ҳокими



мияти, туманда фаолият кўрсатаётган Ахборот-маслаҳат маркази сингари ташкилотларнинг фаолликлари ҳам алоҳида таъкидлаш, ҳайрат аъзоларининг шартлар бўйича иштирокчиларни баҳолашдаги саъй-ҳаракатларини айтиб ўтиш лозим.

— Иштирокчиларнинг барчасини қўлаб-қувватлайман, — дейди туманда фаолият кўрсатаётган «BAJARISH» ахборот маркази директори Александр Гончарова. — Чунки улар ўз мақсадлари йўлида дадил оқимлаётган, бугунги

бозор талабларини тўғри тушунган ҳолда янгилик яратишга интилаётган, изланишлари самара бераётган, ота-боболари ҳунарини эъзозлаб кадр топаётган тадбиркор ва ҳунармандлардир. Албатта, омад маҳоратлиларга кулиб боқадим.

Ана шундай омади кулиб боққан жамоалардан бири «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича биринчи ўрин холиби «AZN» масъулияти чекланган жамияти (директори Анвар Назиров) бўлди. Ушбу йўналиш бўйича иккинчи ўринни «Хорижқурилиш технологиялари» масъулияти чекланган жамияти (раҳбари Фуломиддин Зуфаров), учинчи ўринни эса «Ширин қулча» масъулияти чекланган жамияти (директори Хафиза Азимова) эгаллади.

Шунингдек, «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ҳайрат аъзолари ёғоч ўймақори Шерзод Ҳакимовни биринчи ўринга лойиқ топди. Миниатюра устаси Анвар Мулқов иккинчи ўрин ва заргар Исқандар Қурбонқулов учинчи ўринни қўлга киритишди. Яна бир неча номинациялар бўйича ҳам холиблар аниқланди. Уларнинг барчасига диплом ва совғалар топширилди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тадбиркор ва ҳунармандларни қувонтиргани совғалар эмас, энг муҳими эл-юрт оқлиши, мустақил мамлакатимиз равнақи йўлида қўлаётган ҳиссалари ва бунинг тадбир давомида бир неча бор эътироф этилгани бўлди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: туманда ўтказилган кўрик-танлов кўргазмасидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

Олий Мажлис Сенатида

АЁЛ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ

ЖАМИЯТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИ ВА МАЪРИФАТЛИЛИК САВИЯСИ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ БИЛАН БЕЛГИЛАНИШИ БАРЧАГА АЁН.

Жамиятда содир бўлаётган ҳар қандай ижобий ўзгаришлар, агар улар оила, аёллар ва болалар бахт-саодати ҳамда фаровонлигига қаратилмаган бўлса, юзакиликча қолаверди. Ўзбекистонда асримизнинг бошланиши оналар ва болалар манфаатларини ҳимоя этишдек абадий инсонларарлик рамзлари остида ўтмоқда.

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва макомини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя этиш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Тенг ҳуқуқлилик ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб, бу принцип БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилинган. Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги конституциявий принцип ҳисобланади, мамлакатимизнинг Асосий Қонунида алоҳида бир боб - XIV боб оила, оналик ва болаликка бағишлангандир. Ўзбекистон 1995 йили Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи қатори БМТнинг Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов хотин-қизларнинг ролини ва ижтимоий макомини кўтариш давлатчилигимизнинг энг асосий, энг муҳим устувор йўналишларидан бири эканлигини айтиб, бу уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг бош қафолати эканлигини қайта-қайта таъкидлаганича бор.

Бизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришда «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрелда, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлигини белгилаб берган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чоралари тўғрисида»ги (Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукусда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан учрашдилар. Депутатлар парламент куйи палатасидаги фаолиятлари ҳамда сўнги пайтда қабул қилинган янги қонунлар ҳусусида тадбир иштирокчиларига сўзлаб беришди.

• Хоразм вилояти фаоллари ҳамда агросаноат мажмуи ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида сувдан оқилона фойдаланиш, орттичка исрофгарчиликка йўл қўймаслик фермерлар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг муҳим вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

• Фавқулодда вазиятлар вазирлигида «Республика аҳолисини ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Журналистлар билан кечган мулоқотдан сўнг режиссёр Шавкат Маҳбубовнинг «Фавқулодда вазиятлар юзга келса...» номли ҳужжатли фильми намойиш этилди.

• Зарафшон шаҳрида «Қизилқум мануфактураси» кўшма корхонаси бунёд этилмоқда. Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлигининг меваси бўлган ушбу корхона 2009 йилнинг учинчи чорағига қадар тўлиқ ишга туширилади. Бу ерда беш минг тонна пахта қайта ишланиб, 200 тонна акрил калава иплари ишлаб чиқариш ишлари йўлга қўйилади. Энг муҳими, 130 та янги иш ўрни яратилади.

• Урганч шаҳридаги «Урганч ўт ўриш машиналари» очик акциядорлик жамиятида ўтган йили плуг, культиватор, чизель, ўт ўриш механизмлари ва бошқа бир неча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари ишлаб чиқариш эвазига 320 миллион сўм соф фойда олинди. 41 минг 680 АҚШ долларлик махсулот эса экспорт қилинди.

• Зангиота туманининг Ўзгариш қўрғончасида замонавий тиббиёт маркази қад ростлади. Уни барпо этишда тумандаги «1-сонли механизациялашган кўча колонна» ОАЖ бинокорлари фаол иштирок этишди. Шошилчан тиббий ёрдам хизмати, кўп ўринли турмухона, қишлоқ врачлик пунктидан иборат янги саломатлик мажмуаси ўзгаришликларга бебаҳо тўхфа бўлди.

• Қорақалпоғистон Республикасида Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили 9 та мактаб қурилди, 47 та мактаб реконструкция қилинди. 65 та умумтаълим муассасаларида эса капитал таъмирлаш ишлари якунланди. 10 та профессионал коллеж ва академик лицей фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

• Россия Федерацияси президенти В. Путин ва Венгрия Бош вазيري Ф.Дюрчан Венгриянинг «Жанубий оқим» газ ўтказгичи лойиҳасига қўшилиши тўғрисида битим имзоладилар.

• «Нафтогаз Украины» ва «Газпром» компаниялари Украинага газ етказиб бериш юзасидан янги музокаралар ўтказишади.

• Исроил ҳарбий самолётларининг Газо секторига уюштирилган иккита ҳужуми натижасида камида 4 нафар ўсмир ҳаётдан кўз юмди.

• Кеча Нью-Йорк товар биржасида ўтказилган навбатдаги савдода нефть нархи яна рекорд даражага кўтарилиб, бир баррел «қора олтин» нархи 102 долларга 59 центга етди.

• Европа комиссияси ўзининг Монополияга қарши курашиш қончилигига риоя қилиш талабини бажармаганлиги учун «Microsoft» компаниясига 899 миллион евро миқдориде жарима солди. Бу еврокомиссия тарихидаги энг йирик жарима ҳисобланади.

• Перуда икки ойдан бери ёққан тинимсиз ёмғир қўлаб сув тошқинларини келтириб чиқарди. Хусусан, кофе, какао, ананас етиштириладиган минглаб гектар экин майдонлари сув остиде қолган. Табиий офатдан 500 минг киши жабр кўрган, 20 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган.

• Кеча АҚШнинг Чикаго шаҳридаги савдо марказида кучли портлаш рўй берди. Портлашдан жабрланган 9 киши оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Дастлабки ҳулосаларга кўра, ушбу нохуш ҳодиса газнинг сизиб чиқиши оқибатида рўй берди.

• Камчаткада давом этаётган кучли қор бўронлари мазкур ярим орол ҳаётини буткул издан чиқарди. Хусусан, аэропорт ёпилди, мактабларда ўқиш бекор қилинди, кўплаб электр узатиш линиялари яроқсиз ҳолга келди.

• Норвегияга қарашли Шпицберген оролида ўсимлик уруғлари сақланадиган улкан омбор фойдаланишга топширилди. Мазкур омбор сайёрамизда учрайдиган қишлоқ хўжалик ўсимликларининг уруғларини ядровий уруш, иқлимнинг глобал ўзгариши сингари ҳалокатлардан сақлаш мақсадида қурилган бўлиб, ҳозир бу ерда 250 минг ўсимлик уруғи сақланмоқда. Улкан омборни бунёд этиш ишларига 10 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланди.

• Мексикада гиёванд моддаларининг савдосига қарши йирик операция бошланди. Мамлакатнинг Америка билан чегарадош ҳудудида жойлашган аҳоли пунктларининг ядровий наркотик контрабандаси билан шуғулланган 18 нафар одам ҳибсга олинди.

Кечка сатрларда

• **КЕЧА** Миробод туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ходимлари ва тадбиркорлар иштирокида ўтказилган тадбир ишбилармонлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига бағишланди.

• **СЕРГЕЛИ** туманида туман фаоллари ва ёшлари иштирокида Ёшлар йиллига бағишлаб уюштирилган тадбир «Ёшлар маънавияти ва маърифати ма-

салалари» деб номланди.

• **ЁШЛАР** йили муносабати билан Халқлар дўстлиги саройига йилгилан шаҳримиздаги Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари россиялик хонанда Кристина Орбакайте ижросидаги куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

• **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар иштирокида Ёшлар йиллига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Сен баҳорни соғинмадингми?» деб номланди.

• **КЕЧА** Ёшлар йиллига бағишлаб Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман ҳудудий тиб-

биёт бирлашмаси ҳамкорлигида ёшлар ва нарколог шифокорлар билан уюштирилган давра суҳбати «Гиёвандликнинг салбий оқибатлари» деб номланди.

• **ЎТГАН** кунни Яққасарой туманидаги 89-мактабда туман ИИБ, Абдулла Авлоний номидаги маданият уйи ҳамкорлигида ёшлар орасида кинотаълиқнинг олдинчи олиш масаласига бағишлаб уюштирилган давра суҳбати Ёшлар йиллига бағишланди.

• **ЎТГАН** кунни Собир Раҳимов тиббиёт коллежида ўқувчиларнинг шоирлар Рустам Мусурмон, Хали-

ма Аҳмедова ва Хулқарой билан уюштирилган ижодий учрашуви Ёшлар йиллига бағишланди.

• **СОБИР** Раҳимов Политехника касб-ҳунар коллежида ЎТГАН кунни «Оила—муқаддас даргоҳ» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида Собир Раҳимов туман ФХДБ бўлими ходимлари иштирок этишди.

• **ЭРТАГА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида Ёшлар йиллига бағишлаб сузиш бўйича мусобақалар ўтказилади.

Хашар — элга ярашар

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМИ!

ХАЛҚИМИЗДА «ХАШАР—ЭЛГА ЯРАШАР» ДЕГАН ИБРАТЛИ НАҚЛ БОР. ДЕМАККИ АЗАЛ-АЗАЛДАН ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ, ҲОВЛИ-ЖОЙЛАРНИ ОЗОДА САҚЛАШ ЮМУШЛАРИ ҲАМИША КЎПЧИЛИК, КАТТАЛАРНИНГ КИЧИКЛАРГА ИБРАТ БЎЛИШИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНГАН.

Айниқса, совуқ, аёли кунлар ўтиб, баҳорнинг хуш насимлари эса бошлаши билан хашарлар бошланиб кетган. Боғда боғбон дарахт-у гуллар парварлишига киришса, бобо дехқон вақтини ганимат билиб даласига ошиққан, келинчақлар ҳовли-ю кўчаларни чинидек суғуриб-сидириб тозалашга, бир сўз билан айтганда эса ҳамма бутун атрофни саранжом-сарийшта қилишга киришган.

Мана, эртага 1-март, ўлкамизга гўзал навбахор фасли кириб келмоқда. Юртимизда эса аллақачон соғинганимиз гўзал баҳорнинг илиқ нафаси эса бошлаши билан кўнгиллар уйгонган, қушлар чуғурлашиб, болаларни гувиллашиб, ариқларда сувлар шилдираб она-табиат уйгонганидан дарак бермоқда. Аёзли қишининг қаттиқ совуқларига қарамай яшагача интилган, хали мудроқ уйқудан уйгонмаган она-замин бағридан аста бош кўтариб, қуёшнинг илиқ нуридан баҳра олаётган кўм-кўк майсалар, гулу лопалар дилингиз-

даги губорларни ювиб сизни ҳам барчага ибрат бўлиб яшагача ундаётгандек гўё.

Ҳа, азизлар, элимизга, юртимизга гўзаллик, нафосат, яшариш, яшатиш фасли гўзал баҳор кириб келди. Биз ҳам бир-биримизга ўрнак бўлиб уйимиз, маҳалламиз, ташкилот, корхона, ўқув юртимиз, кўчаларимиз, бутун ҳудудимизни ораста, покиза ҳолга келтирайлик, хашарлар уюштириб шаҳримиз ободлиги, орасталлиги, гўзаллигига ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Тоza, озода жойда кут-баракка, тўкинлик бўлади. Кўнгилларимиз нурга, омборларимиз донга тўлсин деган эзгу ният ширимиз бўлсин. Ҳаммамиз ободончилик юмушларига киришайлик.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, орасталик ишлари билан ўрнак бўлаётган маҳалла, кўча, ҳовли, корхона ва ташкилотлар фаолиятини эса газетамизда ёритиб борамиз.



Ўлкамизда баҳор нафаси БАҲОР КЕЛАЁТИР ТАРОВАТ БИЛАН

Кўнгилларни тўлқинлантириб, қалбларимизга илиқлик бахшида этиб жаннатмонанд юртимизга яна баҳор ташрифт буюряпти. Қишининг қор-қировли, совуқ аёзли кунларидан ҳориган юракларимиз яна қайноқ тафти оғунида. О, баҳор, сени қанчалик соғинганимизни билсайдинг, висолингни энтиқиб кутганимизни сезсайдинг. Ҳов, анов тарновдаги сумалақлар эриб, чак-чак оққан сувлари ер бағрига сингиб баҳор дарақчиси — бойчечак янглиг ёҳуд майсаларнинг илк кўриниши сабза урган лаҳзалар яна ёдимга тушди.

(Давоми 2-бетда).

Ўлкамизда баҳор нафаси



Қизилдоқ баридек учар дилдан ғам, Тошқинлар қиради қалбимга маним. Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам — Ашш Ўзбекистон-дилбар Ватаним!

БАҲОР КЕЛАЁТИР ТАРОВАТ БИЛАН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Баҳорой! Сенинг таърифингга сўз ожиз, таш-бехинг қаршида тилим лол. Лекин шуни биламанки, ҳаётда қимирлаган жонзот борки, сени бирдек севади. Сен айниқса бизга — инсонларга суюқлисан. Бугун дийдорингга дала-чорбоғ, кенгликлар, тоғ-тошлар, ҳатто самоларда сайр айлаган юлдузу ойлар муштоқ эди. Сенинг муборак таърифинг билан инсонлар кўнгли бир қадар шаффофлашади, юрак кўримиз ҳарорат олади, муомаламиз ҳалимлашади назаримда. Ер-самони яшилликка бурқаб, чиройли хуснинг қаршида суқланиб боқамиз сенга. Дилга оташ туйғулар, ёниқ ҳислар оқиб келаверади, дўст дийдорига талпинади юрак.

Яхшилик соғиниб, сендан андоза олиб яшагга интиламиз. Кушларнинг сайрашидан, ирмоқларда сизаётган сув оҳангидан кўнглимизнинг ҳар буржи ҳаяжон туяди. Олисларда қолган болалигимизни кўмсайдди кўнги. Баҳор, сен шунчалар дилбарсан!

Сенинг мадҳингга ашъор тўқиялман-у, нигоҳимни бир муддат теварак-атрофга қаратаман: барча ерда жонланиш, янгиланиш нафаси барқ уради димоққа.

Ер бағрини ёриб чиққан бойчечакдан тортиб, новдадан чиққан куртларда сенинг аксинг бор. Ўлкамга хуш келдинг, Баҳор!

Муқаддас ЮСУПОВА



Элимиз ардоғидаги сеvimли шоира Зулфиянинг ижодий хазинаси сирли бир олам. Унинг шеърларида биз ҳаётни, инсонлар оламининг турли-туман рангин суратларини кўрамиз. Қайси бир шеъринга назар ташламанг, ундаги образлар аёллар дунёсидан топилганлигига ғувоҳ бўламиз. Зулфия ўзининг теран, сермазун, самимий ва ҳаққоний, сержило шеърини билан халқимиз қалбидан ўрин олган. Биз куйида Зулфияхоним қаламига мансуб айрим шеърларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Маҳмуд ТОИРОВ, Ўзбекистон халқ шоири

КЎКЛАМ СОҒИНЧИ

Қишинг қировлари қошимдан кетди, Ел ўпган майсадек қалқиб тураман. Соғинч шарбатидан менга жом тутди, Баҳорни бунчалар яхши кўраман.

Кўзимдан юмалаб юзимга тушар, Баримдан узлиб изимга тушар. Баҳор ёмғирлари ерга бахт тушар, Баҳорни бунчалар яхши кўраман.

Олислардан боқмайди энди офтоб ҳам, Япроқлар юзига сеп ёр шабнам, Кўк чучура тугар айвонда онам, Баҳорни бунчалар яхши кўраман.

Ирмоқлар созанда, еллар хонанда, Раққоса капалак-синглим чаманда, Ҳеч ўзланиб келмайди бундай Ватанда, Баҳорни бунчалар яхши кўраман.

Ҳар гулнинг дийдори дурлардан азиз, Қайтган қалдирғочлар хурлардан азиз, Лолалар ловулар нозлари лазиз, Баҳорни бунчалар яхши кўраман.

Лаб очган гулчалар висолга чорлар, Булбулнинг бўғида сиз узар торлар, Маҳмуд, шукр қилар Худоба, ёрлар, Баҳорни бунчалар яхши кўраман.

ЛОЛАЛАРИНГ ЮРАКДЕК ЧЎҒЛИ

Юрагимда гуллайди армон, Бодом каби бир кун баҳорим. Илдишларга сен бериб дармон, Хуш келдингми, дуркун баҳорим.

Яшил чодир тикар қайрағоч, Тода музлар эрир оқ қандай. Шохларидан қушлар сайрағач, Юрак ахир жим турсин қандай!

Қизлар тақса толдан жамалак, Ич-ичимдан мен-да куйганман. Шўх қизларнинг бирин чамалак, Кўз остимга олиб куйганман.

Ўўларингга севишч сочилар, Ифоридаш қулшинг, баҳорим. Орзуларинг қулфи очилар, Хўп суғулсан, суғулун баҳорим.

Лолаларинг юракдек чўғли, Таърифлашга айт, қайси дил бор? Бағринда-ку, бу Ватан кўли, Бунчалар хуш, бунчалар дилбар.

Суннатулла СУЛАЙМОНОВ

КҮЙ ВА ҚҶШИҚЛАР ИНСОНГА РҶХИЙ ОЗИҚ, МАЪНАВИЙ МАДАД БЕРУВЧИ АССОИЙ МАНБА ҲИСОБЛАНАДИ. АЙНИҚСА МИЛЛИЙЛИГИМИЗ УҶУРИБ ТУРГАН, ФОЛЬКЛОР ЙЎНАЛИШИДАГИ ҚҶШИҚЛАР НАВОСИДА АЛЛАҚАНДАЙ АЖИБ БИР СЕҶР МАВЖУДКИ, КИШИ УНИ ЭШИТГАННИ САРИ ОНА-ВАТАНГА, МУҚАДДАС ЗАМИНГА, УРҶ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗГА, ҚАДРИЯТ ВА КҶХНА ТАРИХИМИЗГА НИСБАТАН ЯНАДА МЕҶРИ ТОВЛАНИШ БОРАВЕРАДИ. АММО БУ ЙЎНАЛИШДА ИЖОД ҚИЛУВЧИ САЪНАТКОРЛАРИМИЗ ДЕЯРЛИ БАРМОҚ БИЛАН САНАЛГУДЕК КАМ.

БАҲОРИМНИ, ЧАМАНИМНИ КҶЙЛАЙМАН

Кўни кеча Миллий матбуот марказида кўпроқ халқ оғзаки ижоди йўналишида куйлайдиган иқтидорли хонанда Хосила Раҳимова журналистлар билан концерт олди анжуманини ўтказди ва журналистларнинг барча саволларига муфассал жавоб беришга ҳаракат қилди.

Дарҳақиқат, Хосила Раҳимова фолк-популяр йўналишида кўшиқлар яратиб ва уни ўзгача завқ-шавқ билан куйлаётган, аниана ва удмуларимизга содиқ қолаётган, мусиқа санъатига чуқур ҳурмат ва эътиром билан хизмат қилаётган хонанда деб айтсақ адо муболага бўлмайди.

Асли Сурхон водийсидан бўлган бу хонанда мусиқага жуда ҳам эрта меҳр қўйди. Мактаб давридаёқ Деновдаги Ю.Ражабий номи мусиқа мактабидан рубоб синфини муваффақиятли тамомлади. Сўнгра эса, «Навхил» халқ ансамблида яқхон хонанда сифатида фаолият кўрсата бошлади. 2001 йилда А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг «Халқ мусиқаси» бўлимини ҳам муваффақият билан тугаллади. Хосила Раҳимова республика мида ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиладиган «Бой-сун баҳори» фолк-популяр фестивалида ҳам қатнашиб халқнинг олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Унинг «Сиздан кечиб бўлмайди», «Соғиндим», «Мен тоғнинг қизиман» деб номланган дилтортар концерт дастурлари ўзининг тақрорланмас жиҳатлари, содда ва жўшқинлиги билан муқлис эътиборини ўзига янада жалб қилди. Жўмладан у, Шимоллий Корея, Германия, Туркия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон каби бир қатор мамлакатларда ўз концерт дастурларини намойиш этиб келди.

Хосила Раҳимова 2003-йилда «Шўхрат» медали, 2004 йилда Шимоллий Кореянинг Пхеньян шаҳрида ўтказилган «Апрель баҳори» номи, Бутунжаҳон миллий фолк-популяр фестивалида «Олтин арфа» мукофотига сазовор бўлди. Айнан ўша йилда Германиянинг Бонн шаҳрида ўтказилган «Фул-лерс» фестивалида ҳам фолк-популяр йўналишидаги кўшиқлари билан қатнашиб барча юрдошларимизни бирдай қувонтириши биз учун фарҳлидир.

— Мен шу муқаддас заминда туғилиб ўсганимдан доимо фахрланиб йшайман, — дейди Хосила Раҳимова. — Олдийликни, самимийликни қадрлайман. Ҳеч қачон миллийликни миздан, урф-одат, аниана ва қадриятларимдан воз кенмаган холда кўшиқлар яратишни истайман, муқаддас заминимиз пойидан узилган холда, кўйларга парвоз қилмасдан халқим бағрига сингиб кетсам дейман. Содагина қилиб айтганим бўлса, мен инсонлардаги самимийликни қадрлайман. Токи танамда жоним бор экан, шу она тупроқни, заррин қуёшни, меҳнаткаш халқимизни, меҳр ва садоқатни жўшиб куйлайверман. 5-6 март кўнлари бўлиб ўтадиган концертим юрдошларимга албатта маънавий озиқ, руҳий мадад бахш этиши деган умиддаман.

Гулчехра САТТОР қизи

БАҲОР КЕЧАСИ

Кеча жимжит, кўп гўзал кеча, Қарайсану сўқинг қиради. Енади гўл, жимияр гўлча, Еллар гўр-гўр эсиб туради.

Баҳор сепи тиниқ ва оппоқ, Борлиқ тўлган гуллар ҳидига. Ҳислар уйғоқ, табиат уйғоқ, Ҳўйун бўлиб киши дилсига.

Ажаб, гўё тиниқ тўлини ой, Ҳоким сезар осмонда ўзин, Бахтли билар шу дам ҳойнаҳой, Сайр этган-чун бутун ер юзин.

Тун мусаффо, кеча беозор, Биздаш соф нафас олади. Унда йўқдир ўтмишдаи зор, Янги куйга қўлоқ солади.

Ойда кулиш, электрда нур, Юрагимда севи тўққани. Дайди шамол елади хур-хур, Олаб кетар кўздан уйқуни.

Ерга баҳор чаман тўшаган, Олма ҳали гулин тўжмасан. Кўк баҳамалга гуллар бурканган, Лаб очмаган, булбул ўлмаган.

Кўшим тўшиди олма гулига, Дедам, тақсам энг гўзал бирин-

Сўйлаб берса...менинг чакмада, Дилбарлигин, гўзаллик сирин.

Шундай гўзал баҳоринг гули, Ундан гўзал биз жеган ҳаёт, Гул тўтади хур инсон қўли, Гулга тўлган бутун қошот.

Шу манзара, шу ажиб чаман, Кўнгида севишча ботдим. Оқшом завқин қониб ичиб мен, Тоғ ортига ойни кўзатдим.

ТОНГ ҚҶШИҒИ

Оппоқ, чиройли ўлкам наҳори, Севишчи дилдай ўйнайди еллар. Меҳнатда яшнар юртим

Ишдан, севишчдан куйлайди диллар.

Юксакка болқи, эй порлоқ офтоб, Бўлсин мунаввар овоз дийрим. Нурингга йўлдош мен куйлайин шод,

Ёрим эшитсин, бахтли овозим. Ҳайрайди еллар, серишва, серноз, Қалбимда севиш эркин чалар тор. Водийлар узра янгарар хуш овоз, Ишқдан, вафодан куйлаб

келар ёр.

Туйғулар

ХУШ НАСИМЛАР ЭСАР, ЧАРАҚЛАР ҚУЁШ

товланар камалак бўлиб, буни кўрган жами кўзлар қувонар.

Баҳор келди, борлиқ гулларга тўлди. Яшнади табиат, ястанди олам. Баҳор ифоридан сархушлар бўлиб, ҳатто шеър ёзмакда ўзимнинг болам. Баҳорим, гулбаҳорим майли яшнайвер, борлиққа эзгулик нурини соғин, кимники кўнгли кам, муроди етим, унга ҳам борининг қўш-қўлаб тутгин. Хастанинг дардини тандан фориг қил, ноҳорга кўрсатгин яйру саховат, кексанинг ахволидан хол сўраши нибазлар қулоғига секингина айт. Айтмасин бахона, кўрсатмасин важ, майли ҳеч қилмасин сарфу харажат, аммо узокдаги ота-онага жўнатсин бир энлик соғинч тўла хат. Уйғониш фаслисан, уйғот қалбларни, мудраган, ухлаган боқи—беғамларни. Гули навбахорсан, гуллар элчиси,

ойлар ичида энг чиройлиси, борлиққа жозиб аифор тарратган, кўнглининг малаги, қалб дугонаси. Шунинг учун сени яйраб кутамиз, шайнингга энг сара шеърлар бита-ти, таърифингни байрам, тантана қилиб, дард—изтиробларимизни ҳам унутамиз.

Фасларнинг эркаси, йил ўртанчаси, кўклам оининг кўркам бекиси юртимизга улашавер гўзаллик, шодлик, ажиб ҳароратинг, тафтинг ҳис қилиб далаларда мўл-бўлсин ҳосил, тўқинлик. Барча эзгуликлар сенда мўжасам, гўзаллик, хушбўйлик, нафислик, ифор, ла-тофат, саховат бари сенда бор. Хар қандай фитна-га, хабиҳ ниятлар, гўлдек чиройингга беролмас озор. Сен шундай улғусан, дилбарсан баҳор, таърифинга бутун жўлма-жаҳон лол.

Сумалаклар пишар дошқозонингга, ҳалимлар қайнайди атроф-ёнингда, бевако бечора теграанда гирён, чунки сен барчага бирдай саҳийсан о, фасли баҳорим, сулув навбахор. Аммо менинг сендан бир ўтинчим бор, майлига кўнглимга берсинлар озор, ғийбатлар ипидан ясаинлар дор, юрагимга санчилсин бехисоқ ўқ-ёй, мен унсиз чидайман қилмайман ошкор... Фақат бир илтимос, яғона ўтинч ҳеч қачон айирма яқинларимдан, опамдан, акамдан, жияларимдан, жоним қадар ширин фарзандларимдан. Асра ўзинг гард теғмасин киприқларига, ҳатто шамол тўзғитмасин сочларин илло. Энг муқаддас, энг муқаррам кўнларингни бахш эт шуларга борлигимнинг бор бойлиги яқинларимга... Узоқ қилгин улар умрини, пешонаси ярақласин омад ва бахтдан. Армон берма, ғам бермагин, қилмагин бемор, ёлвораман дуолари ижобат бўлар ой, фусункор баҳорим, кўркамим баҳор.

Гулчехра ДҶРДИЕВА

ЎЗБЕКИСТОН «ASIA FAIR — 2008» САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА ИШТИРОК ЭТДИ

БРЮССЕЛЬ ЯҚИНИДАГИ ВЕММЕЛ ШАҲАРЧАСИДА БЕЛЬГИЯНИНГ «BELASIA» УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНЪАНАВИЙ «ASIA FAIR - 2008» САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ЎЗ НИҲОЯСИГА ЭТДИ.

Мазкур кўргазма Бельгия ва Бенилюксга аъзо бошқа мамлакатларда ўтказиладиган кўплаб сайёхлик тадбирлари орасида алоҳида ўрин тутади. У Осиё минтақаси йўналишини ақс эттирган шў турдаги яғона форумдир.

Яқунланган ушбу кўргазмада Европа ва Осиё мамлакатларининг юзга яқин сайёхлик фирма ва авиакомпаниялари иштирок этди. Ранг-баранг безатилган пешлавларда ахборот ва реклама материаллари, каталог ва буклетлар, шунингдек халқ усталари ва хунармандлари томонидан ишланган санъат буюмлари намойиш этилди.

Халқаро форум доирасида Ўзбекистоннинг сайёхлик борасидаги салоҳияти тақдими бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари эътиборига ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, юртимиздаги меъморий обидалар, шунингдек, республикада турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, хусусан, ҳукумат томонидан сайёхлик инфратузилмасини янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар тўғрисида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди. Юртимизга бағишланган ва миллий услубда безатилган пешлавларга кўргазма меҳмонларида айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида «Belasia» уюшмаси президенти Гильберт Роелз бельгийликларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора ўсиб бораётганини, Буюк Ипак йўлида жойлашган кўҳна юртимиз Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент каби бетакор тарихий шаҳарлари билан уларни ўзига мафтун этиб келётганини таъкидлади.

У «Asia Fair - 2008» кўргазмасида Ўзбекистоннинг иштироки ушбу жараёни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

«Footsteps in Asia» компанияси сайёхлик оператори Даниэл Рунджекерс ўтказилган тақдиротда иштирок этиб, юртимиз тарихи ва бугунги кўни ҳақида батафсил маълумотга эга бўлганини қайд этди. Ўзбекистонда миллиятларро ва динларро уйғунлиқнинг ҳукм сураётгани, барқарор сиёсий вазиятнинг мавжудлиги халқаро сайёхлик соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда.

«Менинг компаниям мактаб ўқувчиларини Шарқ давлатлари тарихи, маданияти ва анианалари билан таърифлаш мақсадида Осиё мамлакатларига саёхатларни тақлиф этади», - дейди Д.Рунджекерс.

Унинг фикрича, бундай саёхатлар доирасига кирувчи Ўзбекистонга сафарлар, бельгийлик болаларга ўзбек халқи тарихи, маданияти ва анианала билан яқиндан танишиш ҳамда уларни ўрганиш имконини беради.

А. МУҲАММАДЖОНОВ, «Жаҳон» АА Брюссель

Олий Мажлис Сенатида АЁЛ, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1995 йил 2 мартда, «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1999 йил 17 мартда ва «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майда чиқарилган фармонлари бағоят муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган ва 28 февраль кўни бўлиб ўтган «Аёл, давлат ва жамият» мавзусидаги давра суҳбатидега кейинги йилларда мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг роли анчагина ошганлиги қайд этилди. Ҳозирги вақтда Олий Мажлис куйи палатаси депутатларининг 18, юқори палатаси аъзоларининг 15 фоизи хотин-қизлардир. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳаётда хотин-қизларнинг улуши 44 фоизни, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида эса қарийб 23 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кўнда хотин-қизлар таълим сифатини янада яхшилашга, замонавий талаблар даражасида малакали кадрлар тайёрлашга, илм-фанни ривожлантиришга, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирини янада самарадорлигини оширишга муносиб хисса қўшмоқдалар.

Иштирокчилар оналик ва болаликни муҳофаза этишни чуқурлаштириш, қизлар ва аёллар соғлигини мустаҳкамлаш масалаларига муҳокама асосида алоҳида эътибор қаратдилар. Бугунги кўнда Ўзбекистонда 2500 дан ортик қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди ва улар хотин-қизларга, оналар ва болаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатмоқда. Кейинги вақтларда барча минтақаларда оила ва никоҳ марказлари ҳамда скрининг марказлари ташкил этилди. Амалга оширилган ишлар натижасида оналар ўлими билан боғлиқ қўрсаткич ҳар 100 миң нафар аёлга нисбатан олганда қамайиб, 65 тадан (1991 йил) 24 тага тушди. Ўзбекистонда аёлларнинг ўртача умр кўриши 70 ёшдан 74,6 ёшга ўзайди.

Давра суҳбатидега хотин-қизларга оид давлат сиёсати, улар билан олиб борилаётган ишларнинг устувор йўналишлари ҳақида, демократик жамият барпо этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда аёлларнинг тобора ортиб бораётган роли тўғрисида, хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш хусусида манфаатдорлик билан баҳс-мунозара юритилди. Дипломатик корпус вакилларининг эътибори Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш масаласига қаратилди. Баҳс-мунозаралар асосида БМТнинг Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси қоидаларини баҳарий юзасидан ўзаро фикр алмашилди, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар ролини ошириш масаласи муҳокама қилинди, шу масала оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Муҳокама ажуналари асосида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Тадбирда сенаторлар, дипломатик корпус, хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотлари, хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(ЎЗА)



Давоми. Боши 3-бетда.

23.00 «Қўшғимсан, муҳаббат» /SMS. 23.15 «Рамазан» /Т/с.

«Ёшлар»

6.55 «Аждодлар садоси». 7.00 «17.40 -Мультианорама». 7.20, 17.40, 20.50 «Каминанинг оиласи».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!». 8.35, 18.50 «Камила» /Т/с. 9.00, 18.10, 21.50 «Телекурьер-маркет».

Спорт

7.00 «Бодоро устро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Тошкент».

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Добро утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Тошкент».

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!». 8.55, 4.00 «Светлана Аллилуева и ее мужья».

«НТВ»

9.00 «Наше все!». 10.00, 16.00, 19.00, 22.40 «Сегодня».

10.25 «Комната отдыха». 11.00 «Салом, Тошкент!».

13.35 «Салом, Тошкент!». 13.50 «Салом, Тошкент!». 15.30, 18.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».

«СТС»

8.00 «Зена - королева воинов». 8.15, 15.00 «Смешарики» /М/с.

«ТВ-3»

8.00, 10.30 «Мультифильм». 9.15 М/ф «Ползуе войско».

«Первый канал»

5.00, 9.05 «Добро утро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Тошкент».

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!». 8.55 «Смешарики» /М/с.

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

23.35 «Юрт тинчилиги». 18.30 «Галилео».

18.30 «Тайны Смолвиля». 18.30 «Чемпион». 20.00 «Роки-3».

«ТВ-3»

8.00, 10.30 «Мультифильм». 9.15 М/ф «Ползуе войско».

Спорт

7.00 «Бодоро устро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Тошкент».

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!». 8.55 «Смешарики» /М/с.

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

18.30 «Галилео». 18.30 «Тайны Смолвиля».

18.30 «Чемпион». 20.00 «Роки-3». 21.45 «Аждодлар садоси».

«ТВ-3»

8.00, 10.30 «Мультифильм». 9.15 М/ф «Ползуе войско».

Спорт

7.00 «Бодоро устро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Тошкент».

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!». 8.55 «Смешарики» /М/с.

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

18.30 «Галилео». 18.30 «Тайны Смолвиля».

18.30 «Чемпион». 20.00 «Роки-3». 21.45 «Аждодлар садоси».

«ТВ-3»

8.00, 10.30 «Мультифильм». 9.15 М/ф «Ползуе войско».

Спорт

7.00 «Бодоро устро». 9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 00.25 «Тошкент».

«Россия»

5.00 «Добро утро, Россия!». 8.55 «Смешарики» /М/с.

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

8.40 «Буйви ёлган ном».

8.40 «Буйви ёлган ном». 8.40 «Буйви ёлган ном».

«ТВ-3»

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«Россия»

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«ТВ-3»

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«Россия»

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«ТВ-3»

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«Россия»

8.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «Сегодня».

«НТВ»

6.00 «Сегодня утром». 7.00 «Чокнутый» /М/с.

TIJORAT XABARLARI VA E'PLONLAR Toшкент Давлат цирки ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Бўш вақтингизда КРОССВОРД ЭНИГА: 7. Италия пойтахти Римнинг гарбий қисмидаги тепалиқда жойлашган шаҳар — давлат.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилмиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

(Газетанинг навбатдаги сони 4 мартда чиқади) Crossword grid with numbers 1-40.